03.05 "Кызыл-Курагитно. Последние дни древних цивилизаций".
04.05 "Моя планета".

СТС

06.00 10.45 М/с
09.30 Дом мечты Реалити-шоу.
10.00 "Том и Джерри. Комедийное шоу".
12.00 "Снимите это немедленно! Велудие - Наталья Стефаненко и Таша Строгая".
13.00 "Медальон" Х/ф.
14.40 "6 кадров".
17.10 "Люди в чёрном-2" Х/ф.
19.00 "Нервальная история". Сатирический альманах.
20.00 Шоу "Уральских пельменей". "Музохотеры!" Часть 1.
21.00 "Люди в чёрном-2" Х/ф.
22.33 Центральный микророн Комедийное шоу.
23.05 "Нервальная история". Сатирический альманах.

ТВ3

06.00 М/ф
09.15 Х/ф "Земля Санникова".
11.00 Х/ф "Затерянный мир".
13.00 Х/ф "Возвращение в затерянный мир".
15.00 Т/с "Пятая стража".
19.00 Х/ф "Смерти вопреки".
21.00 Х/ф "Полный пошедей на воле".
23.15 Х/ф "Послава".
01.30 Х/ф "Возвращение в затерянный мир".

НТВ



Душанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "24. Узбекистон" ахборот блоки
06:40 Форум вақти
07:00 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
07:10 "Бунга ҳаёт дейдилар" маърифий дастури
08:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
08:10 Мулафилым
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муסיқа вақти" дастури
09:00 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (50-қисм)
09:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Шу ётмай туради" б/ф
11:45 "Муסיқа вақти" дастури
12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутубхона томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "Борига баракка" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Мингта сўз" б/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 "Кинолаборатория" кўрсатуви
15:45 "Муסיқа вақти" дастури
16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
16:10 "Клон" т/с (242-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
18:10 Мулафилым
18:30 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (51-қисм)
19:00 "Муסיқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (243-қисм)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Чой устиди" кўрсатуви
21:30 "Катталар" б/ф премьераси
23:45 "Муסיқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Чужой билет" б/ф
02:00 Тунги кайри бўлиш!

Сешанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "24. Узбекистон" ахборот блоки
06:40 Форум вақти
07:00 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
07:10 "Бунга ҳаёт дейдилар" маърифий дастури
08:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
08:10 Мулафилым
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муסיқа вақти" дастури
09:00 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (51-қисм)
09:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Супер кайнона" б/ф
11:45 "Муסיқа вақти" дастури
12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутубхона томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "Бизнинг объектава" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Синти чора" б/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муסיқа вақти" дастури

16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
16:10 "Клон" т/с (243-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
18:10 Мулафилым
18:30 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (52-қисм)
19:00 "Муסיқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (244-қисм)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "25 кадр" кўрсатуви
21:35 "Само за минн эвгичилари" б/ф
23:45 "Муסיқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Терминатор-2" б/ф
02:00 Тунги кайри бўлиш!

Чоршанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "24. Узбекистон" ахборот блоки
06:40 Форум вақти
07:00 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
07:10 "Бунга ҳаёт дейдилар" маърифий дастури
08:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
08:10 Мулафилым
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муסיқа вақти" дастури
09:00 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (52-қисм)
09:30 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Алданган кўнги" б/ф
11:45 "Муסיқа вақти" дастури
12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутубхона томоша
12:20 "Супер келинчақ" теле-шоу
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Қизилбардорлар" б/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муסיқа вақти" дастури
16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (244-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
18:10 Мулафилым
18:30 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (53-қисм)
19:00 "Муסיқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (245-қисм)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Борига баракка" кўрсатуви
21:30 "Туркилар ҳуқуллари" б/ф премьераси
23:45 "Муסיқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Терминатор-2" б/ф
02:00 Тунги кайри бўлиш!

Пайшанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "24. Узбекистон" ахборот блоки
06:40 Форум вақти
07:00 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
07:10 "Бунга ҳаёт дейдилар" маърифий дастури
08:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи

08:10 Мулафилым
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муסיқа вақти" дастури
09:00 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (53-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Теллегинами" б/ф
11:45 "Муסיқа вақти" дастури
12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутубхона томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "25 кадр" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Шошув" б/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муסיқа вақти" дастури
16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (245-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
18:10 Мулафилым
18:30 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (54-қисм)
19:00 "Муסיқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (246-қисм)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:30 "Антракс" кўрсатуви
21:30 "Мерос қолган тас" б/ф
23:45 "Муסיқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Терминатор-1" б/ф
02:00 Тунги кайри бўлиш!

Жума

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "24. Узбекистон" ахборот блоки
06:40 Форум вақти
07:00 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
07:10 "Бунга ҳаёт дейдилар" маърифий дастури
08:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
08:10 Мулафилым
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муסיқа вақти" дастури
09:00 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (54-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
10:10 "Бевалар" б/ф
11:45 "Муסיқа вақти" дастури
12:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
12:10 Кутубхона томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "Чой устиди" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" информацион блоки
13:10 "Қўндоғ" б/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муסיқа вақти" дастури
16:00 "24. Узбекистон" ахборот блоки
16:05 "Клон" т/с (246-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
18:10 Мулафилым
18:30 "Мўҳаббат иттироқлари" т/с (55-қисм)
19:00 "Муסיқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"

19:30 "Жаҳон 24" информацион блоки
19:40 "Клон" т/с (247-қисм)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Кинолаборатория" кўрсатуви
21:30 "Эвгачлар" б/ф премьераси
23:45 "Муסיқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Терминатор-4" б/ф
02:00 Тунги кайри бўлиш!

Шанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "24. Узбекистон" ахборот блоки
06:40 Форум вақти
07:00 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
07:10 "Менинг мислигим" Узбекистон
07:30 "Антракс" кўрсатуви
08:00 "Муסיқа вақти" дастури
08:20 "25 кадр" ахборот-таҳлилий дастури
09:00 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Омалдис қироқилар" м/ф (1-қисм)
10:00 "Эши далам буйдоқ" б/ф
11:45 "Муסיқа вақти" дастури
12:00 "Дилдор ширин" муслиқий-далла оғини дастури
13:00 "Улан" б/ф
15:00 "Дилкаш лавалар" теле-шоу
16:50 "Дарсан сўз" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Элтон остидаги сир" б/ф
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Янги олма" кўрсатуви
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоу
20:20 "Супер келинчақ" теле-шоу
21:00 "Овоз шу" кўнчилоар кўрсатуви
22:00 "Парламент соати" кўрсатуви
23:00 "Узгач устиди" б/ф
(Авдишан)

02:00 Тунги кайри бўлиш!

Якшанба

06:00 "Янги кун наволари" дастури
06:30 "Чой устиди" кўрсатуви
06:40 Форум вақти
07:00 Информацион блок
07:30 "Борига баракка" кўрсатуви
08:00 "Муסיқа вақти" дастури
08:30 "Бунга ҳаёт дейдилар"
09:00 "Янги авлод" студияси намайиш этапи
09:20 "Омалдис қироқилар" м/ф (2-қисм)
10:00 "Нарния филломаги" б/ф (2-қисм)
11:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
12:00 "Овоз шу" кўнчилоар кўрсатуви
13:00 "Супер келинчақ" телешоу-шоу
13:40 "Парвоз зами" кўрсатуви
14:30 "Узгач устиди" б/ф (Авдишан)
16:30 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторина-си
18:00 "Антракс" кўрсатуви
18:40 "Бизнинг объектава" кўрсатуви
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Дилкаш лавалар" теле-шоу
21:00 "Дилдор ширин" муслиқий-далла оғини дастури
22:00 "Янги урғуччақ одам" б/ф
23:45 "Муסיқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Титаник" б/ф
02:00 Тунги кайри бўлиш!

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда.)

Бир қарашда ҳаммаси жуда оддий, жуи ва табиий. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши муҳокама ва мулоқотга имконият яратмоқда. Иқтисодийнинг исталган соҳаси тараққиётига замонавий технологиялар қатта улуш қўшаётганини инкор этиб бўлмайди. Ахборот технологиялари инсонларнинг ўзаро суҳбатига воситачи бўлса, масофалар йироқ бўлганда веб-камера орқали дийдорлашилса бунинг нимаси ёмон? Ваҳоланки, глобал тармоқнинг бизга тақдим этаётган имконияту қудайликлари чексиз. Бундан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш узоғимизни яқин, мушқуллимизни осон қилади. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам мавжуд. Ёшларнинг ҳар хил ижтимоий ва танишув тармоқларида узундан-узоқ бемақсад суҳбат қуриши уларнинг маънавияти, руҳиятига таъсир этиб, яқинларимизни узоққа айлантириб қўймаётганимикин?

Виртуал дўстликнинг умри қанча?

Ҳамманинг ҳам ҳаётда оила аъзоларидан ташқари суянадиган, вақти келса ота-онасига айта олмайдиган гапларини айтадиган, сирланадиган дўсти бўлади. Дўстсиз бошим — тузсиз ошим, деган нақл тағидаям улкан ҳикмат мавжуд. Самимий суҳбат диаларга хузуру бағишлайди, вақти келса таскин беради. Шу ўрнида дўст ҳақидаги қуйидаги фикрларни эътиборингизга ҳавола этишман.

Раҳматли бобомнинг гапи: Маматкул ён кўшимиз бўлган. Қолаверса, у ҳам мен каби фронтда — урушда хизмат қилган. У билан кадрдонлигимиз, орамиздан қил ўтмаслиги шундан. Эҳ, не-не кунларни бирга бошдан кечирмадик, болаликдан бедапоёга бирга борар эдик. Кейин Сафаралининг тўйида ҳам, менинг тўйимда ҳам ўзи куёвжўра бўлган.

Отанинг гапи: Шавкат амакинми? У билан олийгоҳда бир гуруҳда таҳсил олганмиз. Ҳалигача бири-биримизга суянч бўлиб келямиз.

Менинг гапим (компьютер мониторингидан кўзини узоқламай қолган тенгдошларим, ука-сингилларимга ҳам тегишли): Рухшон, Сабу (Сабина демоқчи) Мой Мирдаги "друзья"ларимдан. У билан танишганимга қанча бўлди? Ҳозир ҳисоблаймиз. 1 ойдан ошди, менимча. Акмал, Собир, Дила Одно (Одноклассники демоқчи)да ўтиришди. Шу сабаб улар билан яқинман. Дурдон, Зухилад билан Твиттерда суҳбатлашамиз. Кеча танишган ўртоғим Мўчи билан суҳбатлашиб ўтирибман ҳозир. Асли исмини, ёшнинг, жинсини билмайман. Аммо жуда фаол экан.

Кўриниб турганидек, уч авлод вақиларининг дўстлашув мuddатида қатта фарқ бор. Шунингдек, сон ва сифатда ҳам. Бугун топган дўстимиз билан эртага суҳбатлашмаслигимиз кадр-киммат, ўзаро ҳурмат йўқолиб боришига хизмат қилаётгандек. Ахир, виртуал доираларда орттирган хусусиятлар ҳаётдаги муносабатларда ҳам ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди. Шунингдек, интернетта тобеликнинг асосий кўриниши ҳам ижтимоий тармоқлар мисолида акс этади.

Ижтимоий тармоқ қаердан бошланган?

www.newsland.ru сайтида берилган маълумотларга кўра, ижтимоий гуруҳ ижтимоий объект, яъни инсон ёки ташкилотлардан ташкил топган бўлиб, бу тушунча гуруҳ ичидаги объектларнинг ўзаро ижтимоий алоқалари мавжудлигини ҳам кўрсатади. Ижтимоий тармоқ эса ижтимоий гуруҳ ичидаги, гуруҳлар ўртасида алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Тарихий фактларга қулоқ тутадиган бўлсак, "ижтимоий тармоқ"

атамаси 1954 йилда Манчестер мактаби социологи Жеймс Барнс томонидан замонавий интернет тармоғи пайдо бўлмасдан олдин киритилганига гувоҳ бўламиз. Айни кунда тушунча бир оз кенгрок доирада қўлланилсада, унинг асл моҳияти ўзгармаган. Яъни, бир инсон атрофида бошқалари тўпланиб боради. Шундай қилиб, аъзолар қизиқишларига кўра гуруҳларга тақсимланади.

1995 йилда кўриниши ва мазмуни таъминан замонавий шаклга ўхшайдиган Classmates.com ижтимоий тармоғи яратилди. Уни Classmates Online, Inc. компанияси эгаси Рэнди Конрад ишлаб чиққан. Бу сайт ташриф буюрувчиларни

Ижтимоий тармоқларнинг муҳим вазифаларидан яна бири иш қидиришга кўмаклашишидир. Кўпчилик ижтимоий тармоқлар айнан иш топишга ёрдамлашиши билан ҳам эътиборни ўзига тортади. Иш қидириш учун энг самарали тармоқлар қаторига LinkedIn ва МойКругларни киритиш мумкин. Ижтимоий тармоқлар тақдим этаётган хизматлар бисёр. Аммо виртуал мулоқотга кўп вақт сарфлаётган, сенсор экранли телефони кўлига "елимланиб" қолган баъзи ёшлардаги ўзгаришни, бошқалардан ажралиб қолаётганини кўриб, ижтимоий тармоқнинг инсонларга, реал ҳаётдаги муносабатларига таъсири борасида сўз юритиш

ҳам ноўрин. Боиси ижтимоий тармоқ орқали мулоқот олиб бориш қудайлигини инкор этиб бўлмайди. Шунингдек, баъзи муаммоларни дўстларингиз муҳокамасига қўйиб маслаҳатлар олсангиз нимаси ёмон? Қолаверса, бутун дунё ўргимчак тўрига исталган қурилмадан киришининг имкони бор. Бугун кўп сонли тадқиқотлардан маълум бўлишича, ижтимоий тармоқ аъзолари интернет фойдаланувчиларининг ярмидан кўпини ташкил этади. Яъни, интернетга уланган ҳар икки одамдан бири ижтимоий тармоққа киради. Бу кўрсаткич ўсиб бормоқда. Аммо масаланинг яна бир жиҳати борки, ижтимоий тармоқдан кўп вақт фойдаланадиган аъзо реал ҳаётдаги танишларини виртуалликка ўтказиши бошлайди. "Дўст бошингга кулфат тушганда билинади", дейишади. Аммо ижтимоий тармоқдаги дўстларга суяниш мумкинми? Ахир, улар бугун бор, эртага йўқку. Эртага иш, ўқини жойи ёки қизиқишларининг ўзгариши билан улар ҳам ўзгаради. Шундай экан, реал ҳаётда дўстларимиз сони бир оз кам бўлгани холда, виртуал дўстлар бир неча юзлаб, ҳатто мингтагача бўлса галатику. Ижтимоий тармоқлар инсоннинг ҳаётини яқинлаш йўлидаги воситачи бўлиш ўрнига шахсий ҳаётини инкор этаётгани хавотирланарли ҳолат. Ва бундан кўз юмиб бўлмайди.

Ижтимоий тармоқлардаги саводхонлик даражаси ҳам паст бўлиб, фойдаланувчилар сўзларни тўлиқ ёзмаслиги, кискартмалар нотўриклиги, имловий ва услубий хатоларнинг кўплигини изоҳлашга ҳожаат ҳам йўқ. Саломлашиш одатда "салом, кале?" ёки "не, йўқсиз?" (нега йўқсиз? демоқчи)дан бошланади ва одатда хайрлашмайди. Фикрлар жуда тарқок ифода этилади. Тўғри бунга вақт камлиги ва шошқалоклик сабабдир. Аммо саводхонликнинг паст даражасини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ваҳоланки, вақт ўтиши билан хатолар билан ёшиш кўникмага айланиб кетиши мумкин.

Хулоса ясашдан олдин, яна бир воқеани айтиб берай. Яқин ўртоғим битта эмас, бир неча ижтимоий тармоқларда "бор". Шунча тармоққа аъзо бўлишининг шартми, биттасидан фойдалансанг ҳам бўладику, дея маслаҳат бердим унга. "Ҳар бирининг ўз ўрни бор. Айтайлик, "Фейсбук"да хабарлашиш қудай бўлса, "Твиттер" — том маънода "компютер хошиясидаги биткилар", унда оригинал цитаталарни келтирса, ўқиса бўлади. Донолар бисоти бор у ерда", дея тушунтирди у. Мен ҳам доишмаңдлик сабоқларидан баҳраманд бўлиш учун Твиттерга аъзо бўлдим. Тўғриси, хафсалам пир бўлди. Биринчи ўқиганим шу бўлди: "Ўқитувчилик дашноми танаффусгача", дея ёзибди бир талаба. Ана донолигу мана...

Ҳар бир қудайлик фақат ривожланишга хизмат қилиши даркор. Ахборот технологиялари, глобал тармоқ имкониятлари ҳам бизнинг билимимизни ошириш, зарур ўрнида айтайлик хориздаги танишмиш билан мулоқотимизга имкон яратсин. Ахборий маданиятни ўзлаштириб, олтиндан-да қиммат вақтимизни аяб, ижтимоий тармоққа камроқ вақт ажратсак ва фақат зарур ўринлардагина ундан фойдалансак, юқорида тилга олинган муаммолар барҳам топади. Зотан, асалнинг ҳам ози ширин. Меъёр ҳар жабҳада мувозанатни таъминловчи мезондир.

Санобар ЖУМАНОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика
факултети магистранти

ВИРТУАЛ ОЛАМ ИМКОНИЯТЛАРИ



Улардан ўз ўрнида фойдаланайлик!

Меъёр ҳар жабҳада мувозанатни таъминловчи мезондир.

рўйхатдан ўтказган ва уларга дўстлари, синфдошлари, курсдошлари ва бошқа таниш инсонларни топиш ва муносабатлар ўрнатишга ёрдам берган. Ҳозир АКШ ва Канадада 40 миллиондан ортиқ инсонлар мана шу тармоқдан рўйхатдан ўтган. Илк ижтимоий тармоқдаги "classmates"(синфдошлар) концепцияси — қарашлар тизими тезлик билан ривожланди ва MySpace, Facebook, Bebo, Одноклассники.ru, LinkedIn, ВКонтакте, МойМир ва МойКруг каби дунё гигантларининг пайдо бўлишига, ривожланишига йўл очиб берди.

Виртуал олам — хавотир сабабчиси

Ахборот асрида энг муҳим махсулот, шубҳасиз, ахборотдир. Энг осон қабул қилинадиган ахборотни эса ижтимоий тармоқлардан олиш мумкин. Мана шуни учун ҳам ижтимоий тармоқлар омаллашиб бормоқда. Бу инсоннинг ахборот ва мулоқотга бўлган эҳтиёжлари билан белгиланади. Ижтимоий тармоқдаги инсон имжи ҳақиқий ҳаётдаги инсон образидан фарқ қилади. Кўплаб инсонлар ижтимоий тармоқларда мулоқотга киришдан ташқари, профилларини тўлдирди, фотосурати, шахсий видеоларини жойлаштириди, ўз ихтиёри билан ўзи ҳақидаги бошқа маълумотларни беради. Аслида буларнинг барчаси ҳам реал ҳаётдаги билан мос эмас. Аммо шунга қарамай ижтимоий тармоқда инсоннинг қизиқишлари акс этиши рост. Баъзида ҳаётда кўринмаган хусусиятлар ижтимоий тармоқдаги ҳаракатларида намоён бўлади.


лозим бўлади, назаримда. Олимларнинг аниқлашча, ижтимоий тармоқлар инсон руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу доимий равишда ташвишланиш ҳиссининг пайдо бўлиши, хулқ-атвор ўзгаришида кўринади. Бундай хулоса 298 нафар иштирокчи ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра тақдим этилган. Аниқланишича, иштирокчиларнинг ярмидан кўпи ижтимоий тармоқларга боғланиб қолганини ҳис этишади ва ижтимоий тармоқда мулоқот қилиш имкони бўлмаса ўзларини нуқудай ҳис қилишади. Респондентларнинг 53 фоизи виртуал олам уларнинг хулқ-атворини ўзгартирганини айтиб ўтган. Шунингдек, ижтимоий тармоқ аъзолари хотиржам дам ололмас экан. Боиси уларга Facebook ёки Twitterни текшириш истаги тинчлик бермайди. Хуллас, 51 фоиз иштирокчилар ижтимоий тармоқ таъсирининг салбийлигини айтиб ўтган. Фойдаланувчиларнинг ҳар учинчи нафари эса компьютер ва мобил телефонларни кунига бир неча бора ўчиради. Бундан мақсад виртуал оламдан узилни — дам олишдир. Шунингдек, ижтимоий тармоққа боғланиб қолган инсон хотиржамлигидан ташқари, ўзига нисбатан ишончини йўқотар экан. Бу ҳақда The Daily Telegraph газетаси хабар берган. Тадқиқотни эса Anxiety UK ташкилоти олиб борган.

Дарҳақиқат, ижтимоий тармоқларнинг инсонга, хусусан, ёшларга таъсири янада улкандир. Чунки айнан ўсмирлар ва ёшлар унинг фаол фойдаланувчилари. У реал ҳаётимизнинг ажратиб бўлмас қисмига айланиб бормоқда. Бунинг қоралаш

Чет тилини ўрганиш "ZiyoNET" билан янада қулай!

Маълумки, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларини ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратиш мақсадида 2012 йил 10 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1875-қарори тасдиқланган.

Маъмур қарор ижросини таъминлаш мақсадида



"ZiyoNET" ахборот таълим тармоғида қатор намунали ишлар амалга оширилди. Жумладан, порталнинг Fikr.uz сайтида "Чет тили" ва "ICT for English Teachers" блоглари очилди ва ушбу блоглар инглиз тилини ўргатувчи грамматик, фонетик ва лексик материаллар билан бойитилди.

"Кутубхона" бўлими ва uTube.uz сайтида ҳам "Чет тили" бўлимлари очилиб, ушбу бўлимлардан юклаб олиш учун қулай бўлган чет тилини ўргатувчи турли видеоролик ҳамда таълимий материаллар ўрин олди.



Видео блог Зиёнонет

Master Class on ICT in Teaching English Held at Osh State University

Master class on ICT in Teaching English was held at Osh State University on March 10, 2013. Teachers of English language from English Language and Literature Department and other departments observed the master class. The aim of the master class was to help to improve the ICT skills of the teachers. The master class was held in the computer laboratory of the Faculty of Foreign Languages and Literature. The master class was held in the computer laboratory of the Faculty of Foreign Languages and Literature. The master class was held in the computer laboratory of the Faculty of Foreign Languages and Literature.

No	Name of Participant	Job Title	Workplace
1	Homidov E.E.	Teacher of English	English Language and Literature Department
2	Rahimov A.S.	Teacher of English	English Language and Literature Department
3	Makhamova M.	Teacher of English	English Language and Literature Department
4	Khamatova S.M.	Teacher of German	English Language and Literature Department
5	Makhamova M.	Teacher of English	English Language and Literature Department
6	Nommatova D.	Teacher of English	English Language and Literature Department
7	Rahimov M.	Teacher of English	English Language and Literature Department

Порталда "Ўйинлар" номли махсус бўлим ҳам ишга туширилди. Бўлимда "Чет тилларини ўрганиш" йўналиши мавжуд ва ушбу бўлимга болалар учун мўлжалланган инглиз, рус ва ўзбек тилида турли мантикий ва кўнглиочар ўйинлар жойлаштирилди.


Зарча про ваку



Тармоққа жойлаштирилган фойдали манбалар "ZiyoNET" порталнинг турли лойиҳаларидан ўрин

олганлиги боис, тармоқ оммабоплигини таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида барча манбалар ягона манзилга жамланди. Ушбу манзил "Learning foreign languages" — "Чет тилларини ўрганиш" деб номланади.

Ушбу бўлимда "Last videos from uTube.uz" — uTube.uz видео порталидан ўрин олган сўнгги материаллар "The video of the day" — "Кун видеоси" сифатида, "Games" — "Ўйинлар", "Site-satellites" — "Сайт-сателлитлар" номи остида сайт-сателлитларда жойлаштирилган мақолалар, "Library" — "Кутубхона"га жойлаштирилган тегишли материаллар, Fikr.uz ва Tanlov.uz лойиҳасидан ўрин олган инглиз тилидаги мақола ҳамда танлов ва грантлар ҳақидаги эълонлар, "Last messages from uForum.uz" — uForum.uzда билдирилган фикрлар жамланмаси эътиборингизга хавола этиб борилади.



Бундан ташқари, бўлим орқали чет тилларини ўрганиш бўйича қабул қилинган қарорнинг ўзбек ва рус тилидаги вариантлари ҳамда ушбу қарор асосида ишлаб чиқилган "ZiyoNET" тармоғининг иш режаси билан ҳам танишиб чиқиш имконияти мавжуд. Бу йўналишдаги барча маълумотлар манзилда PDF шаклида жойлаштирилган.

www.ziynet.uz

Мақсадли интилиш

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш "Ўзи-Термиз" филиалида биринчилар қатори бошлаб юборилган. Инглиз тилини ўрганишга қатъий аҳд қилган бир гуруҳ ходимлар ҳафтаининг белгиланган кунларида амалий машғулотларда иштирок этишмоқда. Шу таразда уларнинг ишдан кейинги бўш вақтлари мақсадли интилиш билан мазмунли ўтатилади.

Филиалнинг маънавият ва маърифат хонаси хорижий тилни билишга кизикувчилар учун ажратиб берилган. Машғулотлари Термиз Давлат университети ўқитувчиси Сайёра Пўлатова олиб бормоқда. У қарор ижросига муносиб ҳисса қўшаётганидан хурсанд.

— Мен истиклолнинг илк йилларида Хорватия пойтахти Загреб шаҳрида икки ой хизмат сафарига бўлганман, — дейди машғулот қатнашчиларидан бири, тажрибали муҳандис Шавкат Мирсаидов. — Жаҳон андозаларига мос ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари сирларини ўрганиш чоримиз инглиз тилини билганимиз панд бергани рост. Еки йўлга қўйилиши қутилаётган янгиликларни таржимон орқали ўрганганмиз. Қолаверса, электрон рақамли телефон дастгоҳларини ўрганиш учун Термизга ташриф бурган Швейцария, Германия, Япония ҳамда Хитой мамлакатлари мутахассислари билан ўзаро мулоқотлар чоғида муаммоларга дуч келдик. Шунинг учун ҳамкасбларимиз қатори инглиз тилида сўзлашиш ва ёзишни ўрганаётганимдан мамнунман.

Тил билган — эл билади. Дарҳақиқат, хорижий тилларни ўрганиб, дунё кезганга не етсин! Умид қиламизки, "Ўзи-Термиз" филиали ходимлари инглиз тилини ўрганган ҳолда нафақат ажнабий касбдошлари билан бемалол мулоқотда бўлишади, балки ўзбек миллий туризм имкониятларидан ҳам кенг фойдаланишади.

Нортожи ЗИЁЕВ,

"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

Ойдин келажак

хорижий тилларни ўрганишдан бошланади

Бугунги кунда чет тилларини ўрганишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Инсоният тамаддунининг қайси даврини ўрганиб, таҳлил қилманг, хорижий тилларни билувчи кишилар барча баҳаларда бошқаларга нисбатан кўпроқ имкониятга эга бўлганлигини кўрасиз.

Фалсафий китобларда келтирилишича, улуг ватандошимиз Фаробий 60га тилда суҳбатлаша олган экан. Шарқ Аристотели умрининг охиригача ўқиб-ўрганишдан тўхтамаган. Эҳтимол шунинг учундир, у "Муаллимий соний" (Иккинчи муаллим) номини олган.

Бугунги кунда хорижий тилларни ўрганаётган кашқадарёлик ёшларимизнинг ўз билимларини янада мустаҳкамлашда тил марказларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки ана шундай марказлар хорижий дарсликлар, янгича методлар орқали уларнинг билим даражасини янада юксалтирмоқда.

— "ККАМ" МЧЖ (Компютер коммуникация ахборот маркази) 2008 йилда ўз фаолиятини бошлаган, — дейди марказ директори Элбек Хайдаров. — Шундан буён кўплаб ёшларга ўз билимларини янада чуқурлаштиришда ёрдам бердик. Биласизми, қайсидир фан бўйича билим олишни истаган навбатдаги киши бизнинг 3985-ўқувчимизга айланади. Ҳозирда маркази-

мизда инглиз, рус тиллари, математика фани сирлари ўргатилади. Компютер ҳамда интернет тизими бўйича сабоқ берилади. Бизда жорий этилган ўқув методлари ҳамда яратилган шарт-шароитлар бошқа ўқув марказлариникидан фарқ қилади.

Бу ердаги инглиз ва рус тиллари курслари асосан эркин сўзлашиш ҳамда грамматик билимларни ривожлаштиришга қаратилган. Бунинг учун эса барча имкониятлар бор. Математика курси турли ёшдаги абитуриентларни олий ўқув юртиларга тайёрлайди. Компютер ва интернет курсларида ҳам назарий, ҳам амалий билим оласиз.


— Бугунги кунда ҳеч бир касбини компютер технологияларисиз тасаввур қилиш қийин, — дейди марказнинг компютер ва интернет курслари ўқитувчиси Нодира Соҳибова. — Дарслигимиз гуруҳ шаклида ёки индивидуал тарзда олиб борилади. Курслар ниҳоясига етгач, имтиҳон асосида ўқувчиларга сертификатлар берилади.

Ўз мухбиримиз

FOYDALI SAYTLAR

uzbaby.uz

Ўзбек оиласига бағишланган сайт



Ўзнетда онла мустаҳкамлиги ва саломатлиги, фарзандлар баркамоллигига бағишланган сайтлар бармоқ билан санарли. uzbaby.uz сайтида бу борада бир

қатор қизиқарли ва фойдали маълумотлар, мутахассислар маслаҳати тақдим этилган, фойдаланувчиларнинг ўзаро тажриба алмашиши йўлга қўйилган.

Фарзанднинг дунёга келишидан то мактабгача бўлган даврда уларнинг саломатлиги, ақлий ва жисмоний ривожланиши, руҳий тарбия ва бошқа масалалар бўйича тавсия ва маслаҳатлар ёш онла-ларга яқиндан қўмақ беради. Мақолалар тажрибали мутахассислар томонидан тушунарли тилда ёрилган.

Шунингдек, сайтда болажонлар учун эртақлар, шеърлар, топшмоқлар, мультфильмлар, мохир қўллар дarsi ва бошқа бир қатор қизиқарли саҳифалар мавжуд.

INFO-FIKR

"MIT.UZ" Миллий интернет танлови

Бугунги кунда юртимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 9 миллиондан ошди. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Бугун интернет ёшларнинг тарбиясини шакллантираётган асосий воситалардан эканини ҳисобга олиб, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан "MIT.uz" Миллий интернет танлови эълон қилинди.

Танлов ҳақида Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот котиби Шухрат Сатторов куйидагиларни гашириб берди:

— Инсон камолга етиш мобайнида унинг энг асосий зарурати — бу ахборотдир. Инсоният шу кунга қадар қўллаб ахборот манбаларидан фойдаланган. Бу китоб, газета, радио эки телевидение. Бугунги кунга келиб интернет жаҳондаги энг улкан ахборот маконидир. Интернетнинг инсон онги, дунёқараши ва сиёсий савиясининг шаклланишига ҳисса қўшаётган, ёшлар тарбиясига таъсир ўтказётган



асосий таъсирчан восита сифатидаги роли кучайди. Тармоқнинг имкониятлари аксарият ҳолда ўқувчини қалғидади, нотўғри ахборот фискадади. Натижада интернет фойдаланувчиси уни йўналтираётган зарарли оқимга эргашади, ўзига нима кераклигини англамайди. Танловнинг асосий мақсади — интернет тармоғида янги, фойдали, мазмунли сайтлар яратиши, ёшларни тўғри йўналтириши, шунингдек, Ўзнетни ривожлантириши орқали глобал ахборот майдонида хавфсиз ва рақобатбардош ахборот билан иштирок этиш эканини ҳисобга олсак, бу танлов фойдадан холи эмас. Тармоқнинг маърифат майдонига айланиши замонавий йўл

билан ёшларни тарбиялашни амалга оширади.

Танлов 14 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар учун ташкил этилган. Маълумки, руҳиятшинослар инсон 30 ёшгача ҳар соҳада фаол ва етакчиликка мойил бўлишини таъкидлашади. Яъни, айнан мана шу даврда ёшларда етакчилик қобилияти шаклланади. UZ доменида 15 мингдан зиёд веб-сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Республикадаги янги веб-сайтларни яратиб ва унга ахборот киритиб бораётганларнинг аксарияти ёшлар эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Уларни қўллаб-қувватлаш, кейинги фаолиятини мувофиқлаштириши юртимиз учун ҳам, улар учун ҳам мақсадга мувофиқ.

Тақдим этилган ишларни баҳолашда куйидаги мезонларга эътибор қаратилади:

- Мазмундорлик ва интерфаоллик.
- Дизайн ва қулайлик.
- Функционаллик, технологик имкониятлари ва ахборот хавфсизлиги.

INFO-XABAR

Zo'r-Zo'r Uzbekistan Cyber Games FIFA 2013

Бугун Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмағида "Келажак овози" маркази ва Infocom.uz журнали томонидан Zo'r-Zo'r Uzbekistan Cyber Games FIFA 2013 компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатига старт берилади.

"Биз — ягона жамоа, биз — ягона онла" ёшлар акцияси доирасида 29 мартдан 27 апрелга қадар бўлиб ўтадиган чемпионатнинг бош хомийси "Билайн" компаниясидир.

"Кетма-кет икки мавсумдан бери биз "Келажак овози" билан ҳамкорликда "Билайн"нинг хомийлик кўмағи остида е-спорт бўйича кенг қўламли мусобақаларни ташкиллаштириб келамиз, — дейди чемпионат ташкили

қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Ўтган йили мамлакатнинг бешта шаҳрида алоқа даражадаги чемпионати ўтказиб, энг яхши геймерларни жаҳон чемпионатининг финалига жўнатдик. Бу сафар эса Ўзбекистоннинг барча вилоятларида илк бор бу каби кенг қўламли ёшлар лойиҳаси доирасида компьютер ўйинлари бўйича миллий биринчилиكنи ташкиллаштиряшмиз".

Zo'r-Zo'r Uzbekistan Cyber Games FIFA 2013 чемпионати икки босқичдан иборат. 29 мартдан 24 апрелга қадар барча вилоятларда ҳудудий саралаш турнирлари бўлиб ўтади. Бунда ҳар бир вилоятда бир неча акция ва тадбирлар ўтказилади, унда 15 000дан ортиқ ёшлар иштирок этадилар.

Вилоятларда ўтказиладиган турнирлар жадвали:

1. Гулистон — 29 март
2. Жиззах — 30 март
3. Навоий — 1 апрел
4. Урганч — 3 апрел
5. Нукус — 4 апрел
6. Бухоро — 6 апрел

7. Термиз — 8 апрел
8. Қарши — 10 апрел
9. Самарқанд — 12 апрел
10. Наманган — 16 апрел
11. Андижон — 17 апрел
12. Фарғона — 18 апрел
13. Тошкент — 24 апрел.

Вилоятлардаги саралаш турнирларининг ғолиблари вилоят чемпиони номини оладилар ва "Билайн"дан кимматбаҳо совғаларни, шунингдек, 27 апрел кунини пойтахтда бўлиб ўтадиган Zo'r-Zo'r Uzbekistan Cyber Games FIFA 2013 миллий финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Миллий финал ғолиби 2013 йил 29 июндан 6 июлга қадар Жанубий Кореяда Осиё Олимпия Кенгаши ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси хомийлиги остида AIMAG Incheon 2013 ёпиқ биноларда ўтказиладиган IV Осиё ўйинларига йўлланма олади.



INTERNET-SABOQ

11-DARS. Sahifani ochish

Веб-сайт таркибидagi бarchа саҳифаларга giperbog'lanishlar орқали мурожаат қилинади. Giperbog'lanishlar matn ma'lumotlariga va grafik ob'ektlarga o'rnatiladi.

Odatda giperbog'lanish o'rnatilgan obyektlar tagiga chizilganligi va rangi bilan ajralib turadi.

Berilgan jumлага bog'langan sahifani ochish uchun sichqoncha ko'rsatkichini jumлага olib keling. Agar jumлага giperbog'lanish o'rnatilgan bo'lsa sichqoncha ko'rsatkichi qo'l shakliga o'zgaradi.



Jumлага sichqoncha chap tugmasini bosing. Shundan so'ng jumla bilan bog'langan sahifa veb-brauzerga yuklanadi.

12-DARS. Saqlangan sahifani ochish

Kompyuteringiz diskiga saqlangan veb-sahifalarga qayta mурожаат qilish uchun quyidagi amallarni bajaring:

Веб-саҳифа сақланган papkani oching. Talab qilinayotgan veb-sahifa faylini toping, odatda veb-sahifa fayllari html (eych-ti-em-el) yoyilmasiga ega bo'ladi, belgisi esa brauzer dasturini bilan bir xil ko'rinishda bo'ladi.

Faylga sichqoncha ko'rsatkichi bilan ikki marta bosing.

Shundan so'ng odatdagi internet brauzeri dasturi ishga tushiriladi va unga tanlangan veb-sahifa yuklanadi.

Дарслар Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан тайёрланган

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ

Ишончнома ва унинг турлари

— Жамғарган пулмига яқинда янги машина сотиб олдим. Уни ўзимда ҳайдовчилик гувоҳномам бўлмаганлиги сабабли ҳайдаб юриш учун жиянимга бермоқчиман. Бунинг учун унга ишончнома беришим керак экан.

Сизлардан ишончнома ва унинг турлари ҳақида газета орқали маълумот беришингизни сўрайман.

Шерали ҚОДИРОВ Қуйичирчиқ тумани

— Ишончнома ҳақидаги тушунча Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 10-бобида батафсил баён этилган. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 134-моддасида Ишончнома: Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради, дея таъриф берилган.

Юридик шахс номидан, шунингдек, юридик шахсга ҳам ишончнома фақат юридик шахснинг уставиди (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

Ишончноманинг шакллари Фуқаролик кодексининг 135-моддасида қуйидагича баён этилган: Ишончнома оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Ушбу Кодекснинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллар ва қонун ҳужжатлари билан ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно. Хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва пулликларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот,

у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёхуд фуқаро даволашида бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқланиши мумкин.

Шунингдек, юридик шахс номидан бериладиган ишончнома раҳбар томонидан имзолашиб, унга ушбу юридик шахснинг муҳри босилади.

Давлат мулкига асосланган юридик шахс номидан пул ва бошқа мулкий бойликларни олиш ёки тошпириш учун бериладиган ишончнома шу юридик шахснинг бош (катта) бухгалтерия томонидан ҳам имзолашиб, унга амалиёт ишларини бажаришга ишончнома бериш тартиби ва унинг шакли қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатта берилиши мумкин. Агар ишончномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди.

Берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас.

Нотариус томонидан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилинганча ўз кучини сақлайди.

Дилноза ЖАББОРОВА,
Зағиота туманидаги 2-Давлат
нотариал идораси нотариуси

"Xabar"ning ўрни бошқа

Бугун мамлакатимизда чоп этилаётган газета ва журналларнинг сони жуда кўп. Хизмат тақозоси билан уларнинг аксарияти билан танишиб чиқаман. Бир-бирини такрорламайдиган, турли мавзулар тилга олинади бу нашрларда. Аммо, уларнинг орасида, мен учун ўзимизнинг сеvimли газетамиз — "Xabar"нинг ўрни алоҳида. Чунки бу нашрда соҳамиз ҳаёти, янгиликлар, хоризж тажрибалари, касбдошларимиз фаолияти кенг ёритилади. Ҳар жума газетани қўлга олар эканман, кизиқиш билан ўқийман, оила аъзолари

римиз ҳам қўлма-қўл олиб мутолаа қилишадим.

Айтиш жоизки, "Xabar" сондан-сонга ўзининг қизиқарли мақолалари, янги руқиялари билан эътиборимизни жалб қилиб борапти. Аиниқса "Xabar"га хуш келибсиз! Руқия остида берилган ётган нафақат соҳамиз фидойилари, балки бошқа соҳа вакиллари билан бўлаётган суҳбатларни кизиқиш билан ўқиб чиқаямиз. Бундан ташқари, "Машхурлар ва технологиялар", "Ахборот технологиялари", WWW.UZ, INTERNET-SABOQ, "Олтин



карли мақолалар кутиб қоламиз.

ҳалқалар" руқияларига доир мақолалар ҳам долзарблиги билан эътиборимизни тортапти.

Биз каби соҳа ходимларининг камтарона меҳнатларини газета саҳифаларида юзага чиқараётган "Xabar" ижодкорларини ўлкамизга кириб келган Наврўзи олам билан муборакбод этар эканмиз, улардан бундан-да қизиқарли мақолалар кутиб қоламиз.

Мақтуба ҚОРАБОЕВА,
"БРМ" филиали ходими

ХАВАР-АНКЕТА

1. "Xabar" да юртимизда ва чет элларда ахборот технологиялари янгиликларига бағишлаб чоп этилаётган мақолалардан кўнглингиз тўлаптими?
2. Газетада қандай танловлар ўтказилишини, янги руқиялар очилишини хоҳлайсиз?
3. Сизнинг назарингизда, қайси мавзулар газета эътиборидан четда қоляпти?
4. "Xabar" соҳа нашри сифатида ўз олдида қўйган вазифаларни бажаряптими?
5. Қайси мавзулардаги мақолалар сизга кўпроқ манзур бўлмоқда? Қайсилари эса йўқ?

Хатларингизни кутамиз. Энг мазмунли таклиф ва мулоҳазаларингиз газетада эълон қилинади.
Электрон почта: info@xabar.uz.

ЭЪЛОНЛАРИ

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Мақсуд Турдимов номига 2012 йилда берилган 32204-12 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Улмас Мардиев номига 2009 йилда берилган 42011 рақамли рейтинг дафтариши йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Аъзамжон Акрамжонов номига 2012 йилда берилган 13025 рақамли рейтинг дафтариши ва талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўтавларнинг охири ошад бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси касбий таълим факультети декани Феруза Зокировага падари бузруквори **Маҳмуд отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали Тошбулоқ почта алоқаси тармони бошлиғи Йўлдошали Исломовага турмуш ўртоғи **Жамила МИРАЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Galaxy S4 смартфонни апрел ойида Ўзбекистонда пайдо бўлади.

Xabar
www.xabar.uz

Соҳа спортдан хабардор бўлган исталган кишидан "Соҳамизда энг номдор жамоа қайси?" деб сўрасангиз, ҳеч иккиланмасдан: "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали жамоаси деб жавоб беради. Дарҳақиқат, соҳа кубоги учун мусобақалар 2000 йилдан бошлаб ўтказилаётган бўлса, 2005 йилга келибoku ТШПТ жамоаси уч маротаба кўчма кубок соҳиб бўлди ва мусобақа низомига кўра, кубок унга доимий тарзда сақлаш учун берилди. Шундан кейин 2007 ва 2009 йилларда ТШПТ жамоаси кўчма кубокни яна икки маротаба қўлга киритди. ТШПТ жамоаси 5 маротаба соҳа кўчма кубогининг совриндори ва икки маротаба кумуш медал соҳиб бўлган ягона жамоадир. "Пентакампионлар" нинг бир қатар ўйинчилари соҳа терма жамоаси таркибда тармоқлараро мусобақаларда муносиб иштирок этганлар.

ТШПТ эришган натижаларга энг яқин турган жамоалар "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали ва ТАТУ ҳисобланади. Вилоятликлар икки маротаба ғолиб ва уч маротаба финал ўйинида иштирок этган. ТАТУ жамоаси 2003 ва 2011 йиллари кўчма кубок соҳиб бўлган.

Ўтган давр (2000-2012 йиллар) ичда яққол эсда қолган ўйинлар ҳақида ПШПТ жамоасининг фахрий ўйинчиси Бахтиёр Чориевдан сўрадик.

– 2006 йилги финал бахслари ҳамон эсимда, – дейди суҳбатдошимиз. – Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари спорт аренасида ўтган ТАТУ-ТШПТ чорак финал ўйинида 4-0 ҳисобида орда бораётган эдик. Кейин биз кетма-кет гол киритдик. Ўйин тугашига чамаси 20 сониялар қолганида ҳисоб 4-3 ТАТУ фойдасига эди. Рақибларимиз ғалаба қозонганига тўла ишониб бўлганди. Сўнгги сонияларда ҳимоячимиз Шавкат Мухитдинов кучли зарба билан ТАТУнинг тажрибали дарвозабони Александр Семёновни доғда қолдирди. Дуранг: 4-4. Пеналтилар сериясида биз аниқроқ ҳаракат қилиб, ярим финалга ўтган эдик. "Фарғона Телеком" жамоаси билан ўтган ярим финал ўйинининг ҳам асосий вақти дуранг билан якуланди. Пеналтилар бўйича бу сафар фарғоналиклар омодлироқ чиқдилар. Шунча йил ўтгач, ўша ўйинларни эслаб амин бўламаники, агарда бир кун илгари ТАТУ жамоаси билан ўта оғир кечган ўйинда катта куч сарфламаганимизда фарғоналикларни асосий вақтда енгиш имкониятимиз бўлар эди. Аммо тан олиш лозимки, рақибларимиз ўша йили ниҳоятда кучли ўйин намойиш этиб, кубокни Фарғона шаҳрига олиб кетган эдилар.

Бахтиёр ЧОРИЕВ "Ўзбектелеком" АК "ТШПТ" филиалида 1995 йил 9 ноябрдан буён ишлаб келади. Ҳозирги вақтда филиалининг М.Уллубек телефон боғламасида Техник хисоб гуруҳининг етакчи муҳавдиси. Соҳа кўчма кубогининг 4 қарра ғолиби, икки қарра кумуш медал совриндори. 2004 йил мусобақаларида Тошкент шаҳри "Саралаш" мусобақалари ва финал босқичи ўйинларида рақиблар дарвозазаларига 45та тўп киритиб, ўзига ҳос рекорд ўрнатган ва "Энг моҳир тўпурар" номинати эси ғолиби бўлган.

Суҳбатта ПШПТ жамоаси аъзоси Шавкат Мухитдинов кўшляди:

– Шаҳсан мен учун 2007-2008 йилларда ТШПТ ва ШАК жамоалари ўртасидаги қарама-қаршилик эътиборлидир. Ушанда ШАК жуда яхши шаклланиб келаётган жамоа эди. 2007 йил финалида



Пентакампионлар

ёхуд Соҳа кўчма кубогининг 5 қарра чемпионлари ҳақида

улар билан рўбарў келган эдик. Ўйининг асосий вақти дуранг натижа билан якулланди. Пеналтилар сериясида бештадан ўйинчи зарбаларни бажарганидан сўнг ҳам ҳисоб дуранглигича қолди. Ҳакамлар зарбалар биринчи хатогача давом эттирилишини маълум қилдилар. Мен ШАК жамоасидан зарбани ким бажарар экан, деб уларнинг баҳсларини четдан кузатдим. Рақиб ўйинчиларидан ҳеч бири масъулиятни ўз зиммасига олишни хоҳламас эди. Охири ШАК жамоасининг аъзоси Жаҳонгир Каримов тўп олдига келди. Зарба дарвозанинг устунига тегиб ташқарига чиқиб кетди. Агарда зарба 5 сантиметр пастрок келганида гол бўлиши аниқ эди. Бизнинг жамоадан эса зарбани Сарвар Кочкартаев аниқ бажарди.

Оддлик учун айтиб ўтишим лозимки, 2008 йил финалида ШАК жамоаси бизга ҳеч қандай имконият бермай, асосий вақт мобайнида (4-0) ҳисоби билан чемпионликни қўлга киритган эди.

Шавкат МУХИТДИНОВ 2005 йил 28 мартдан буён ТШПТ филиалида ишлаб келади. Ҳозирги вақтда Мирзо Уллубек телефон боғламасининг Техник хисоб гуруҳида электромеханик вазифасида ишлайди. Соҳа кубогининг 2 қарра ғолиби.

ТШПТ жамоасида бир неча йиллардан бери тўп суриб келаётган Жамшид Жанзаков шундай хотирлайди:

– 2004 йил финал ўйинлари Тошкент Ирригация ва медиорация институтининг спорт залида ўтган эди. Яхши эсимда, финал директори, раҳматли Саидқабар Агазов финал ўйинларида биз билан бирга эдилар. Финалда "Фарғона Телеком" жамоаси билан учрашган эдик. Ўйини 3-0 ҳисоби билан бой бераётганимизда Саидқабар аканинг сарғилиги бир оз ёмонлашиб, ўйингоҳдан чиқиб кетди. Ушанда ўйин суръатини жаддалаштириб ҳисоби 3-3 кўринишга ўзгартганимизда, кимдир чиқиб, уларга хушбарни

етказ-

ганидан кейин залга кириб келди. Ўйиннинг сўнгги дақиқаларида тўртинчи голни урганимизда майдонга тушиб рақсга тушиб берганди.

Жамшид ЖАНЗАКОВ 1997 йилдан "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалининг Миробод телефон боғламаси 253-ЭАТС кабел пайвандловчиси, 2008 йилдан Миробод телефон боғламаси диспетчери ва 2012 йилдан бошлаб "Ўзбектелеком" АК "ТШПТ" филиали катта диспетчери сифатида фаолият олиб бормоқда.

Соҳа кубогининг 4 қарра ғолиби, икки қарра кумуш медал совриндори, 2001, 2003, 2004 ва 2011 йиллари "Энг яхши дарвозабон" номинатиси соҳиб.

Бу жамоа ҳақида сўз жоритар эканмиз, соҳа кубогида 2000 йилдан буён мунтазам иштирок этиб келётган ва энг кўп соврини қўлга киритган **Сарвар Кочкартаев** ни суҳбатга тортмасак бўлмасди.

– **Футбол сиз учун қандай аҳамиятга эга?**

– Хар бир инсон учун унинг тақдири ни белгилаб берадиган йўналишлар бўлади. Мен учун, бири "ТШПТ" филиалидаги мехнат фаолиятини бўлса, иккинчиси мини-футболдир.

– **2005 йилга қадар "ТШПТ" соҳамизнинг энг кучли жамоаси бўлган. Ўша жамоа билан бутунни қундаги жамоани таққосласак, сизнингча қайси бири кучлироқ?**

– ТШПТ жамоаси 2005 йилга қадар, 2007-2008 йилларда, субҳасиз, соҳамизнинг етакчи жамоаси эди. Айни ўша жамоамиз менинг назаримда энг кучли бўлган. Оралқлардаги нисбатан псайишлар жамоа тарки-

Сарвар КОЧКАРТАЕВ 1998 йилдан "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали телефон боғламаси 152-ЭАТС муҳандиси, 2007 йилдан станция иншоотлари цехи бошлиғи вазифасида фаолият олиб борган.

2008 йил октябр оидан то ҳозирги кунгача "ТШПТ" филиали компанияси Инги техникани тасвирлаш ва техник қўллаб-қувватлаш хизмати бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда. Ҳозирги кунда барча ЭАТСларни масофадан туриб мониторинг орқали бошқариш тизимини йўлга қўйиш ва NGN технологияси асосида "Huawei", "Iskratel", "NSN" компанияларида ишлаб чиқилган станция қурилмаларини тасвирлаш ва ишга тушириш бўйича фаолият олиб бормоқда.

Сарвар Кочкартаев соҳа кубогининг 5 қарра соҳиб ва икки қарра кумуш медал совриндори бўлган ягона ва ТШПТ жамоаси таркибиде 2000 йилдан бери соҳа кубоги учун ўтказилган финал мусобақаларининг барчасида иштирок этган футболчи.

бидаги янгилавшилар билан боғлиқ.

2000 йилларнинг бошидан ҳозирги кунларга қадар нафақат бизнинг соҳамизда, балки республикамизда мини-футбол жадал ривожланди. Нафақат

ТШПТ жамоаси, соҳамизнинг барча жамоалари олдинга жуда катта қадам ташлади, десак муболага бўлмайди.

Шу билан бир қаторда, 2003-2005 йилларда хаваскор жамоалар ичда алоқачилар терма жамоасига тенг келадигани йўқ эди. Буни тармоқлараро мусобақаларда бир неча бор исботлаганмиз. Бирок, сўнгги йилларда хаваскор жамоалар ўртасида соҳамиз вакиллари етакчиликни бой бериб қўйди. Хаваскор жамоалар ўртасидаги Тошкент лигасида мана, бир неча йил давомида, бир қатор банклар жамоалари етакчилик қилимоқдалар.

– **Бу йил финал ўйинини бой беринишга асосий сабаб нимада?**

– Ўйин назаримда тенг курашлар остида ўтди. Иккала жамоа ғолиб чиқиши мумкин эди. Маълумиятимизга биринчи сабаб гол уриш учун юзага келган аниқ вазиятлардан фойдалана олмаганимиздир. Иккинчи сабаб финал мусобақаларида тайёрланиш даврида ҳафтасига уч-тўрт маротаба машқ қилиш, етарли миқдорда ўртоклик учрашувларини ўтказо олмаганимизда, деб ўйлайман.

– **Соҳамиз мини-футболнинг ривожланишига, унинг обрўсини кўтаришга ўз хиссасини қўшган футболчиларимиздан кимларни тилга оласиз?**

– ТАТУ жамоасида тўп сурган Лазиз Жўраев ва Рашид Маматқулов, ТШПТ жамоаси аъзолари Уллубек Холбеков (ҳозирги кунда "Ўзбектелеком АК Тошкент филиали Олмалик туман ТБ директори), Шухрат Жумабоев (ҳозирги кунда "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали Тўйтаев ТБ директори), "Ўздунробита" жамоасидан Александр Карасёв ва яна бир қатор соҳа футболчиларини санаб ўтиш мумкин.

– **Режалар ҳақида гапириб берамизми?**

– Яқинда бўлиб ўтган мусобақаларда йўл қўйган хатолар ва камчиликлар устида ишлаб, уларни бартараф этиш ва 2013 йил соҳа кубогини қўлга киритиш. Бунинг учун бизларда барча шароитлар мавжуд.

Суннат АБДУҒАНИЕВ

